

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 658.26:336.2(575.1)

**Жалилов Шерзод Қахрамонович**

**ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2011**

**Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори  
**Альмардонов Муҳаммади Ибрагимович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Олимжонов Одил Олимович;**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Тўраев Шавкат Шухратович.**

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Давлат  
солиқ қўмитаси Солиқ академияси.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100 000, Ташкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

**Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2011 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

**Ф.И.Мирзаев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Нефть-газ қазиб чиқарувчи мамлакатлар иқтисодиётида ёқилғи-энергетика корхоналарининг тутган ўрнини баҳолаш мураккаб ва муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Ушбу корхоналар мазкур мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлабгина қолмасдан, балки унинг ялпи ички маҳсулоти, бюджет даромадлари ва валюта тушумларини шакллантиришнинг асосий манбаи ҳамдир. Шу билан бирга ёқилғи-энергетика корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон ёқилғи-энергетика бозоридаги конъюнктура ўзгаришларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда газ экспортининг ҳажми ортган бўлса-да, нефть қазиб олишнинг ўртача тармоқ рентабеллиги даражаси кейинги йилларда 8-9%ни ташкил этмоқда. Нефтьнинг қолдиқ ва башоратланаётган захиралари сифат тавсифларининг ёмонлашуви шароитида олинаётган фойда суммаси инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва нефть қазилма конларини ўзлаштириш учун олинган кредитлар бўйича қарзларни ўз вақтида узишга етарли бўлмай қолаётди. Ёқилғи-энергетика корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида, дастлаб, уларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга имкон берувчи муҳитни яратиш ва тармоқ корхоналарининг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга хизмат қилувчи чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "...ёскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш зарур"<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган эдилар.

2000-йилларнинг бошида, нефтьни қайта ишлаш тармоғида рақобатбардошлик коэффиенти 15%ни ташкил этган бўлишига қарамадан, ички бозордаги талабнинг юқорилиги туфайли мамлакатимиз умумий экспорти ҳажмида нефть маҳсулотларининг реал салмоғи 2-3%дан ошмас эди. Шу билан биргаликда, солиқ ва баҳо сиёсатларининг мукамал эмаслиги оқибатида нефтьни қайта ишлаб чиқарувчи тармоқнинг ўртача тармоқ рентабеллиги даражаси кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Олинган соф фойда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш даражасини таъминлаш учун етарли бўлмай қолмоқда.

Шунингдек, ёқилғи-энергетика корхоналарининг фаолиятига бевосита фойда ҳисобидан тўланадиган фойда, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ҳамда таннархнинг таркибида ҳисобга олина-

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз - ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Тошкент, "Ўзбекистон", 2011. – б. 24.

диган ресурс тўловлари (мол-мулк солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар) ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, 2005 йилдан бошлаб, нефть ва газ конденсатига нисбатан акцизлар бекор қилиниб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси кескин кўтарилди. Юқоридаги сабабларга кўра, фойда ҳисобидан тўланадиган ва таннархнинг таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар суммаси ушбу корхоналар баланс фойдасининг қарийб 60%ини ташкил этмоқда. Солиқлар салмоғини юқорилиги ёқилғи-энергетика корхоналарининг молиявий аҳволини ёмонлаштириб, тармоқда энергияни тежаш муаммоларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ сиёсати ва уни амалга оширувчи солиққа тортиш механизми, бир томондан, давлатнинг жорий фискаль манфаатларига ва иккинчи томондан, ёқилғи-энергетика корхоналари самарали фаолият кўрсатишининг ўз-ўзини молиялаштириш имкониятларини тўлиқ кондириши лозим. Юқорида қайд этилган ҳолатлар солиқ сиёсатини амалга оширишда бир вақтнинг ўзида ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш асосида ушбу корхоналарнинг узок муддатли даврда барқарор ривожланишига шарт-шароитлар яратиш учун солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришни назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёқилғи-энергетика корхоналари ривожланишининг фундаментал ва амалий масалалари хорижлик ва ватанимиз иқтисодчи олимлари В.Беренс, В.В.Бочаров, А.Д.Бренц, В.Я. Гаидкин, В.Ф.Дунаев, Ф.У.Додиев, А.А.Зокиров, Э.Х.Маҳмудов, Н.Маҳмудов, Я.С.Мелкумов, А.О.Ортиқов, С.А.Смоляк, Ш.Б.Тураев, С.Умаров, Г.С.Уринсон, Т.С.Хачатуров, Е.М. Четыркин, О.Ҳ.Ҳикматовлар томонидан ўрганилган.

Юридик шахсларни солиққа тортиш масалаларининг турли жиҳатлари эса, М.И.Альмардонов, А.М.Аманов, Н.Б.Ашурова, А.С.Жўраев, М.М.Камилов, О.С.Комолов, Т.С.Маликов, Д.М.Муталова, И.М.Ниязметов, О.О.Олимжонов, У.А.Ражабов, Ғ.А.Сафаров, Ш.Т.Собиров, Б.Э.Ташмурадова, Ш.А.Тошматов, Ш.Ш.Тўраев, А.Б.Таниев, Ж.Ж.Урмонов, Ф.Ғ.Шарипов, М.А.Эшонов, Н.Р.Қўзиева, Н.Ҳ.Ҳайдаровнинг илмий асарларида ўз аксини топган<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Ташмурадова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2007. - 42 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.; Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2007. - 24 б.; Таниев А.Б. Ўзбекистонда билвосита солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2009. - 22 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.; Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2007. - 22 б.; Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2009. - 18 б.; Сафаров Ғ.А. Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойда-ланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун

Юқорида қайд этилган илмий изланишларда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми ва уни такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган ва мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан ёқилғи-энергетика корхоналари солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг принциплари, устувор йўналишлари, уни амалга оширишнинг механизми ва дастаклари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда чуқур ўрганилмаганлиги ёқилғи-энергетика корхоналарининг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларини алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг назарий ва амалий асосларини тадқиқ этиш;
- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолатини баҳолаш, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ҳозирги шароитда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ёқилғи-энергетика корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** - ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабатлардан иборат.

---

ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2006. - 24 б.; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2008. - 20 б.; Эшонов М.Х. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2006. - 22 б.; Раджабов У.А. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2006. - 24 б.; Мугалова Д.М. Солиққа тортишнинг содалаштирилган тартибини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истикболлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.

**Тадқиқот методларини** кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар ташкил қилади.

**Тадқиқот гипотезаси:** диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ёқилғи-энергетика корхоналарида самарали солиққа тортиш механизмини шакллантириш имконини бериши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг амалий ва назарий асослари тадқиқ қилинган, бу корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни баҳоланган ва улар ривожланишининг тенденциялари аниқланган;

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати баҳоланган, мавжуд бўлган камчиликлари аниқланган ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари аниқланган ва улар илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

**Илмий янгилиги:**

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми ҳолати баҳоланган, унинг таркибий қисмлари ва элементлари аниқлаштирилган;

- ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортишнинг илғор хорижий механизмларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

- ёқилғи-энергетика корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби, таркибий тузилмаси ва уларга хос бўлган хусусиятлари аниқланган;

- ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсири аниқланган;

- ёқилғи-энергетика корхоналарида солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этиш ва ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти натижаларига солиққа тортиш механизми таъсирчанлигини кучайтиришнинг объектив зарурлиги асосланган;

- ёқилғи-энергетика корхоналарининг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** шундаки, унда олинган натижалардан ёқилғи-энергетика корхоналарининг солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга бағишланган келажакдаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** - ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика корхоналарининг фаолиятида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишидаги

фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган диссертантнинг илмий хулосалари ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилмоқда (16/2-65-сонли 2011 йил 1 февралдаги маълумотнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ишининг натижалари илмий маърузалар кўринишида қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган: “Иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмининг ўрни” (Тошкент, 2009), “Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли” (Тошкент, 2009), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, 2009), “Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири” (Тошкент, 2009).

Диссертация иши Тошкент молия институти “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий ғоялари ва мазмуни ўн битта нашр этилган илмий ишларда ифодаланган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ишининг таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 бетдан иборат бўлиб, унда 23 та жадвал, 15 та чизма ва 14 та илова мавжуд.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ёқилғи-энергетика корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Улар мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигини таъминлабгина қолмасдан, балки унинг ялпи ички маҳсулоти, бюджет даромадлари ва валюта тушумларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди (1-расм).

Амалга оширилган таҳлил натижалари кўрсатишича, ёқилғи-энергетика корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиш йўналишлари ва устуворликларига мувофиқ равишда нисбатан барқарор суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнлар тегишли ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан белгиланмоқда.


2001-2009 йилларда мамлакатимизда 200 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган бўлиб, уларнинг 19 таси 2009 йилга тўғри келади. Бунинг натижасида 2001-2009 йиллар оралиғида захираларнинг ўсиши 884,3 млн. тонна ш.ё.га тенг бўлиб, унинг 145,0 млн. тонна ш.ё.си 2009 йилга тегишли-



1-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ёқилғи-энергетика корхоналарининг салмоғи<sup>3</sup>

дир. Таҳлил қилинаётган йилларда мамлакатимизда углеводород хом ашёсини (табiiй газ, нефть ва конденсат) қазиб чиқариш ҳажми 718,1 млн.тонна ш.ё.га тенг бўлган. Шунга мос равишда, табiiй газ бўйича захираларнинг қайта тикланиши таъминланган. Шунингдек, захираларнинг қайта тикланиши ҳар доим уларнинг ўсиши ҳисобидан эмас, балки баъзи углеводород хом ашёси қазиб чиқаришни табiiй равишда пасайтириш ҳисобига эришилган.

Ҳаракатдаги қудуқлар фондининг ўзгариши ва қазиб олинadиган углеводород хом ашёси ҳажмининг маълум даражада табiiй қисқариши ўртача нефть қазиб чиқаришни 42,0%га, табiiй газни – 19,5%га, газ конденсатини эса – 44,0%га қисқаришига олиб келди (2-расм).




2-расм. Ўзбекистонда нефть ва конденсатни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш ўзгаришининг динамикаси<sup>4</sup> (млн. тон.)

<sup>3</sup> Тадқиқот натижаларига мувофиқ диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>4</sup> Тадқиқот натижаларига мувофиқ диссертант томонидан ишлаб чиқилган.


Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатда углеводород хом ашёси қазиб чиқаришнинг камайиши қуйидаги табиий омиллар таъсирида содир бўлган: конларнинг ишлатилганлиги; уларнинг сув билан тўлдирилганлиги; захираларни қазиб олиш мураккаблигининг ортиши ва чуқурлашиб бораётганлиги. Нефть ва конденсатни қазиб олишнинг камайишига мутаносиб равишда уларни қайта ишлаш ҳажми озаймоқда.

2001-2009 йилларда республикада нефтьни қайта ишлаш заводларида қайта ишланган нефть ва конденсатдан 48,5 млн. т. нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг таркибида салмоқли ўринни бензин, дизель ёқилғиси ва мазут эгаллаган (3-расм).



3-расм. 2009 йилда “Ўзбекнефтьгаз” МХКда нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмаси<sup>5</sup> (фоиз ҳисобида)

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ёқилғи-энергетика корхоналарига жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миқдори кескин ортиб бормоқда (4-расм).



4-расм. “Ўзбекнефтьгаз” МХКга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг динамикаси<sup>6</sup>, (млн. АҚШ долл.)

<sup>5</sup> Тадқиқот натижаларига мувофиқ диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>6</sup> Тадқиқот натижаларига мувофиқ диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу тармоққа сарфланаётган инвестицияларнинг аксарият қисми курилиш-монтаж ишлари ва машина, дастгоҳларни сотиб олишга, яъни, тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил этувчи асосий фондларни яратишга йўналтирилган.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатида “Ўзбекнефтьгаз” МХК бўйича асосий фондларнинг эскириши 33,7%ни, “Ўз-нефтьгаз қазиб олиш” АКда 25,8%ни, газни транспортировка қилувчи корхоналарда 37,3%ни, нефтьни қайта ишловчи корхоналарда эса 56,5%ни ташкил қилган. МХК, шу жумладан, унинг алоҳида олинган корхоналари бўйича эскириш даражасининг юқори ҳолати машина ва дастгоҳларда кузатилмоқда. Агар МХК бўйича уларнинг умумий эскириш даражаси 48,0%га тенг бўлган ҳолда, газни транспортировка қилувчи корхоналарда 58,0% ва нефтьни қайта ишловчи корхоналарда эса 90,0%дан юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Юқорида қайд этилган рақамлар нефтьни қайта ишловчи корхоналарда асосий фондлар актив қисми эскириш даражасининг критик нуқтада эканлиги ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида нефтьни қайта ишловчи корхоналар билан биргаликда ёқилги-энергетика корхоналарининг қолган қисмларида ҳам янгилаш ва улар ишлаб чиқаришини модернизацциялашнинг объектив зарурлигини кўрсатмоқда.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2001-2009 йилларда “Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг йиллик фойда суммаси 17,0 мартага ёки 2 515,6 млрд. сўмга ортган. Фойданинг ортиши қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлди: а) реализация қилинган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши; б) реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши; в) баҳолар ва реализация қилинган маҳсулотлар таркибий тузилмасининг ўзгариши; г) давр харажатлари ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши. Хусусан, реализация қилинган маҳсулот ҳажмининг ортиши эвазига фойда суммасининг ўсиши 2 553,0 млрд. сўмга, баҳоларнинг ўсиши ва реализация қилинган маҳсулотлар таркибий тузилмасининг ўзгариши ҳисобидан фойда суммаси 7 713,0 млрд. сўмга ортган бўлса, реализация қилинган маҳсулотлар таннархининг ўсиши ва давр харажатлари каби харажатларнинг ўсиши ҳисобидан фойда суммаси, мос равишда 5 392,0 млрд. сўм ва 2 358,0 сўмга камайган.

“Ўзбекнефтегаз” МХК бўйича 2001-2009 йилларда фойда ҳисобидан тўланган солиқлар суммаси 2 077,5 млрд. сўмга, шу жумладан, 2009 йилда эса – 776,5 млрд. сўмга тенг бўлган. 2009 йилда олинган фойда суммасига нисбатан солиқлар салмоғи 29,5%ни ташкил этган. Буни “Ўзбекнефтьгаз” МХК корхоналари бўйича кўриб чиқилса, солиқлар таркибий тузилмасида кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва акцизлар катта ўрин эгалаб, уларнинг салмоғи 2009 йилда жами солиқлар суммасига нисбатан 62,0%га тенг бўлган. Ўз салмоғи бўйича кейинги ўринни харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар 20,0%, (ресурс тўловлари ва даромад солиғи) эгаллайди, шу жумладан, 11,0% ресурс тўловларига тўғри келади.

Шу ўринда Холдинг таркибига кирувчи компаниялар бўйича солиқларнинг таркибий тузилмаси умумий тузилмадан бирмунча фарқланишини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, 2009 йилда “Ўзнефтьгаз казиб олиш” АКда ҚҚС ва акцизлар ҳиссаси 39,0%ни, ресурс солиқлари – 33,0%ни, даромад солиғи – 3,0%ни ва фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар эса 5,0%ни ташкил этган бўлса, нефтьни қайта ишловчи ва газни транспортировка қилувчи корхоналарда ҚҚС ва акцизлар, мос равишда, 88,0% ва 60,0%га, фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар – 4,0% ва 32,0%га, ва ресурс солиқлари ҳамда даромад солиғи эса 6,0% ва 8,0%га тенг бўлган. Табиийки, ёқилғи-энергетика корхоналарига тегишли бўлган солиқ юқининг даражаси ҳам турли корхоналарда турлича бўлган. Умуман олганда, фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар 60,0%ни, харажатларнинг таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар (ресурс солиқлари ва даромад солиғи) эса 40,0%ни ташкил этган. Барча солиқлар суммаси (ҚҚС ва акцизларсиз) реализациядан олинган тушумга нисбатан 8,0%га, солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасига нисбатан 30,0%га тенг бўлган. Ўз навбатида, харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар фойда суммасини қарийб 20,0%га пасайтирган.

5-расмдан кўриниб турибдики, “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” мураккаб таркибий тузилишга эга. Ушбу солиққа тортиш механизмининг самарали ишлаши унинг таркибий қисмлари ва элементларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатишича, “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатда маълум даражада ўзгаришлар содир бўлса, ўз навбатида, бутун бир “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”-нинг соғлом фаолият кўрсатишига ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу боис, юқорида қайд этилган ҳолатдан “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” самарали фаолият кўрсатиши шу механизмнинг таркибий қисмлари ва ҳар бир элементининг узлуксиз фаолият кўрсатишига боғлиқдеган мантикий хулоса келиб чиқади.

“Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” нисбатан мустақил фаолият кўрсатиши билан биргаликда, амалда мамлакатимиздаги ягона солиққа тортиш механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Юқоридагилардан “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”, бир томондан, фискал вазифани бажариб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган бўлса ҳам, иккинчи томондан, ёқилғи-энергетика корхоналарининг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

“Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” ишини баҳолаш жараёнида унинг олдига қўйилган юқоридаги икки вазифанинг қандай бажарилганлигидан келиб чиқмоқ зарур. Бу ерда, албатта, вазифаларнинг бажарилишига доир турли вариантлар вужудга келиш



5-расм. Ўқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг таркиби ва элементлари<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Диссертант томонидан тадқиқот натижалари асосида тайёрланган.

эҳтимоли мавжуд. Уларга кўра, биринчи вариантда “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” ўз олдига кўйилган бюджет даромадларини шакллантириш вазифасини тўлиқ бажариши, лекин, бу жараёнда ёқилғи-энергетика корхоналарининг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишини бузилиши, иккинчи вариантда эса, тескари манзараси вужудга келиши мумкин. Бундай вариантлар вужудга келишининг оқибатларига қараб, ҳар икки ҳолда ҳам “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” фаолиятига яхлит, қатъий ижобий баҳо бериб бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган навбатдаги мантиқий хулоса шундан иборатки, бу механизм бир-бирига салбий таъсир кўрсатмасдан ўз олдига кўйилган ҳар иккала вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминласа, уни тегишли талабларга тўлиқ жавоб берадиган самарали механизм сифатида эътироф этиш мумкин.

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиздаги “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми” ўз олдига кўйилган иккала вазифани маълум даражада бажарилишини таъминлаяпти. Бир вақтнинг ўзида, ёқилғи-энергетика корхоналари фаолият натижаларида бевосита фойда ҳисобидан тўланаётган фойда солиғи ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи, шунингдек, таннарх таркибида ҳисобга олинандиган ресурс тўловларига жиддий таъсир этишни давом этмоқда. 2005 йилдан бошлаб, нефть ва газ конденсати учун акциз солиғи бекор қилиниб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкалари кескин оширилди. Бунинг натижасида фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар ва таннарх таркибига киритиландиган солиқлар таҳлил қилинаётган даврда ёқилғи-энергетика корхоналари баланс ўртача фойдасининг қарийб 60%ини ташкил этмоқда. Солиқлар салмоғи нисбатан юқори эканлиги ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий аҳволининг мураккаблашувиغا олиб келмоқда. Шу муносабат билан, фикримизча, “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”нинг асосий вазифаси - шу комплекс корхоналарини узок муддатли барқарор ривожланиши ва улар фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир. Юқорида қайд этилганидек, солиқ сиёсати ва “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатлари ва иккинчи томондан, ёқилғи-энергетика корхоналарининг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак.

Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмнинг назарий ва амалий асосларини таҳлил қилишда уларни солиққа тортишнинг хорижий тажрибаларини қиёсий таққослашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш хорижий тажрибаларини таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: Европа, Осиё ва Африканинг нефть ва газ қазиб чиқариш билан машғул бўлган 40 дан зиёд давлатларида мазкур корхоналар учун нефть ва газга нисбатан ёки даромаддан, ёки сотувдан, ёки фойдадан 25%дан 50%гача бўлган ягона тўлов ўрнатилган. Бундан ташқари, қазиб чиқарувчи корхоналар бюджетга нефть

ва газнинг қазиб олинган ҳажмига нисбатан қатъий тарзда ўрнатилган бонуслар ва роялти тўлайдилар. Роялти ставкаси қазилма конининг рентабеллиги ва дебитига боғлиқ равишда ўрнатилади. Айрим ҳолларда роялтини ҳисоблаш тизими қазилма конининг типи, дебити, ёқилғи-энергетика ресурслари (нефть ва газ)нинг баҳоси, қўлланилаётган технология, жорий инфляция, қазиб олиш, тайёрлаш ва ортиб жўнатиш харажатлари, қазилма конлари дебитининг ўзгариши, турли самарадорликка эга бўлган нефтьни қазиб олишда ҳар бир кудукқа нисбатан роялтининг алоҳида-алоҳида ҳисобланиши, дебит, унинг пасайиш динамикаси, бўш туриш даврига боғлиқ равишда камдебитли кудуклар бўйича роялтининг ўзгариши каби омиллар ҳисобга олинади. Солиққа тортиш механизмнинг бундай табақалаштирилиши натижасида ёқилғи-энергетика корхоналарида камдебитли ва паст рентабелли қазилма конларини эксплуатация қилишдан манфаатдорлик пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олишнинг ўсишига, солиқ тушумларининг ортишига ва ниҳоят, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Диссертацияда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмнинг амалдаги ҳолати, мазкур корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби, таркибий тузилмаси ва уларга хос бўлган ўзгаришларнинг таҳлили “Ўзбекнефтьгаз” МХК ва унинг таркибига кирувчи АКлар мисолида кўриб чиқилган. Умумий тарзда улар қуйидагилар билан характерланади (1-жадвал).

Корхоналар фаолияти молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқлар ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий адабиётда, аксарият ҳолларда, корхоналар фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсири, аксарият ҳолларда, бир томонлама талқин қилинади. Фикримизча, корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқларнинг салбий таъсирини ушбу тарзда талқин этиш солиқлар таъсирчанлигининг тор маънода талқин этилиши, деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам, ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқлар таъсирини кенг маънода эътироф этган ҳолда, уни рағбатлантирувчилик функцияси нуктаи-назаридан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини икки томонлама, яъни, бир томондан, бюджет манфаатлари ва иккинчи томондан эса, ёқилғи-энергетика корхоналари манфаатлари нуктаи-назаридан баҳо бериш мумкин.

Ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг омилли таъсир кўрсатиши қуйидагилар билан характерланади (2-жадвал). 2001-2009 йилларда уларнинг аввалги йилга нисбатан ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини кўрсатиб бериш мумкин бўлади.

**"Ўзбекнефтьгаз" МХК бўйича  
бюджетга тўланган солиқ суммалари салмоғи динамикаси<sup>8</sup>**

(фоиз ҳисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Й и л л а р								
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.	Мол-мулк солиғи	1,9	2,2	4,7	4,7	4,4	3,9	3,5	3,3	3,5
2.	Фойдадан олинадиган солиқ	11,7	18,7	13,8	10,2	10,5	9,4	9,1	6,5	11,3
3.	Ер солиғи	0,4	0,4	0,4	0,7	0,4	0,4	0,5	0,5	0,5
4.	Қўшилган қиймат солиғи	23,1	27,8	30,4	35,9	30,8	32,6	30,9	28,3	27,3
5.	Акцизлар	52,0	33,1	36,4	37,7	31,4	34,1	40,1	35,5	34,8
6.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
7.	Экология солиғи	1,6	1,5	2,1	1,6	2,3	0,1	-	-	-
8.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	3,4	4,5	4,8	4,7	11,0	16,1	11,1	12,1	8,0
9.	Даромад солиғи	2,7	3,5	4,0	2,9	3,3	3,4	0,4	4,0	3,2
10.	Маҳаллий ва бошқа солиқлар	3,2	7,8	3,4	1,0	5,5	-	0,4	9,7	11,3
11.	Иқтисодий санкциялар	0,01	0,5	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2	0,1	0,1
	<b>Жами солиқлар</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

<sup>8</sup> Жадвал "Ўзбекнефтьгаз" МХКнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**"Ўзбекнефтьгаз" МХКнинг молиявий натижаларига фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари таъсирининг омилли таҳлили<sup>9</sup>**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Й и л л а р								
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.	Асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализация-сидан олинган соф тушумнинг олдинга йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	-	+489,0	+389,0	+744,3	+1383,0	+1157,9	+2243,8	+1213,2	+1476,9
		-	+42,3	+23,6	+36,6	+49,8	+27,8	+42,2	+16,0	+16,8
2.	Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари: - млрд. сўмда - % да	-	+305,6	+221,3	+488,1	+823,4	+822,5	+1228,7	+886,1	+615,9
		-	+35,2	+18,8	+34,9	+43,7	+30,4	+34,8	+18,6	+10,9
3.	Маҳсулот реализацияси натижаси: - млрд. сўмда - % да	-	+183,4	+167,7	+256,2	+559,6	+335,4	+1015,1	+327,1	+861,0
		-	+63,7	+35,6	+40,1	+62,5	+23,1	+56,7	+11,6	+27,5
4.	Давр харажатлари: - млрд. сўмда - % да	-	+81,3	+55,3	+112,3	+345,2	+488,0	+650,1	+243,5	+237,6
		-	+47,9	+22,0	36,7	+82,5	+6,4	+80,0	+16,6	+13,9
5.	Бошқа натижалар: фойда (+) ёки зарар (-): - млрд. сўмда - % да	-	27,2	-25,8	-71,1	-17,0	-27,3	+10,7	+376,9	+106,7
		-	+22,7	+1,4	-45,3	X	X	X	+492,2	+22,6
6	Фойдадан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижа: - млрд. сўмда - % да	-	+133,8	+59,4	+98,6	+230,4	+259,3	+543,5	+460,5	+730,1
		-	+217,5	+24,0	+32,1	+56,8	+40,8	+60,7	+32,0	+38,4
7.	Фойдадан тўланган солиқлар: - млрд. сўмда - % да	-	+44,8	-7,9	+31,0	+53,8	+24,1	+82,7	+192,6	+210,0
		-	+84,5	-8,1	+34,5	+44,5	+13,8	+41,6	+68,4	+44,3
8.	Соф фойда: - млрд. сўмда - % да	-	+89,0	+67,3	+67,6	+176,6	+235,2	+460,8	+267,9	+520,1
		-	+246,1	+44,9	+31,1	+62,0	+50,9	+66,1	+23,1	+36,5

<sup>9</sup> Жадвал "Ўзбекнефтьгаз" МХКнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

“Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг 2001-2009 йиллардаги молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқ суммаларининг таъсири масаласини бюджетга фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари билан таққослаб, 2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

а) ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг биринчи йўналишига мувофиқ шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмас. “Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларидан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари ўсиш суръатларининг бир неча марта юқори эканлиги ёқилғи-энергетика корхоналаридаги мавжуд солиққа тортиш механизмининг самарали ва таъсирчан эмаслигини кўрсатади;

б) ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг иккинчи йўналиши ҳам шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмаслигини кўрсатапти. Унга кўра, “Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари, 2001-2009 йилларда 18,8%дан 35,6%гача ўсган бўлишига қарамасдан, фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари, аксинча, 8,1%га камайганлиги ҳам ёқилғи-энергетика корхоналаридаги мавжуд солиққа тортиш механизмининг етарли даражада таъсирчан эканлигига катта шубҳа туғдираяпти;

в) “Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг 2001-2009 йилларга тегишли бўлган маълумотларини таҳлил қилиш ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмида уларнинг молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири борасида захиралар ва улардан фойдаланишнинг имкониятлари мавжудлигини кўрсатапти. Бу нарса шу корхоналар молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари ўзаро мувофиқ суръатларда ўсганлиги орқали намоён бўлаяпти;

г) ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиладиган вақтда амалдаги солиққа тортиш механизмига хос бўлган юқоридаги уч ҳолатнинг мавжудлиги эътиборга олинishi керак.

Ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган масалани умумий тарзда кўрсатадиган солиқ юки кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3-жадвал).

2001-2009 йилларда "Ўзбекнефтьгаз" МХК бўйича солиқ юки динамикаси<sup>10</sup>

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Й и л л а р								
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, млрд. сўмда	104,3	177,6	179,4	231,7	388,9	488,3	575,9	1007,7	1300,3
	Шу жумладан, фойдадан солиқлар, млрд. сўмда	62,6	122,3	92,9	101,6	167,5	138,9	191,6	453,9	776,5
	Харажатларда ҳисобга олинadиган солиқлар, млрд. сўмда	41,7	55,3	86,5	130,1	221,4	349,4	384,3	553,8	523,8
2.	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, %да	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	9,0	10,8	8,8	8,3	9,3	9,2	7,6	11,5	12,7
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	91,6	71,7	58,4	57,1	61,1	54,5	40,0	53,1	49,5
3.	Фойдадан солиқлар салмоғи, %да	<b>60,0</b>	<b>68,9</b>	<b>51,8</b>	<b>43,8</b>	<b>43,1</b>	<b>28,4</b>	<b>33,3</b>	<b>45,0</b>	<b>59,7</b>
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	5,4	7,4	4,6	3,7	4,0	2,6	2,5	5,2	7,6
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	55,0	49,4	30,3	25,0	26,3	15,5	13,3	23,9	29,5
4.	Харажатларда ҳисобга олинadиган солиқларг салмоғи, %да	<b>40,0</b>	<b>31,1</b>	<b>48,2</b>	<b>56,2</b>	<b>56,9</b>	<b>71,6</b>	<b>66,7</b>	<b>55,0</b>	<b>40,3</b>
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	3,6	3,4	4,3	4,7	5,3	6,6	5,1	6,3	5,1
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	36,6	22,3	28,2	32,1	34,8	39,0	26,7	29,2	19,9

<sup>10</sup> Жадвал "Ўзбекнефтьгаз" МХКнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

“Ўзбекнефтьгаз” МХКнинг зиммасига юкланган солиқ юки жами солиқ суммалари (ҚҚС ва акцизлар суммаларисиз) реализациядан тушумга нисбати сифатида ҳисобланганда бу юкнинг 2001-2009 йиллар оралиғида 7,6%дан 12,7%гача тебранганлигини, унинг ўртача даражаси эса 9,7%га тенг бўлган. Шу ораликда “Ўзбекнефтьгаз” МХКга тегишли бўлган солиқ юки даражасининг динамик ўзгариши “ортиш – пасайиш – пасайиш – ортиш – пасайиш – пасайиш – ортиш – ортиш” “тенденция”си билан характерланади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналарида шу усулда аниқланган солиқ юкининг даражаси билан “Ўзбекнефтьгаз” МХКдаги солиқ юки даражаси қиёсланганда, унинг бошқаларга нисбатан паст эканлигини аниқлашимиз мумкин. Бу нарса, ўз навбатида, ёқилғи-энергетика корхоналари фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири масаласига ўзининг таъсирини кўрсатади. Лекин бу жараёнда “Ўзбекнефтьгаз” МХК томонидан тўланган ҚҚС ва акцизларнинг эътиборга олинмаётганлигини ҳисобга олиш зарур.

Солиқ юки жами солиқ суммаларининг (ҚҚС ва акцизларсиз) солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати тарзида аниқланадиган бўлса, у ҳолда “Ўзбекнефтьгаз” МХКда 2001-2009 йиллар оралиғида солиқ юки даражаси 40,0%дан (2007 йил) 91,6%гача (2001 йил) тебранганлиги ва унинг ўртача даражаси 59,7%га тенг бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Агар солиқ юки фойдадан тўланган солиқ суммаларининг реализациядан тушумга нисбатан салмоғи тарзида қабул қилинадиган бўлса, бундай усулда аниқланган солиқ юки “Ўзбекнефтьгаз” МХК учун 2001-2009 йиллар оралиғида 2,5%дан (2007 йил) 7,6%гача (2009 йил) тебраниб, унинг ўртача даражаси 4,8%га тенглиги маълум бўлади. Худди шунингдек, агар солиқ юки фойдадан тўланган солиқ суммаларининг солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда суммасига нисбатан салмоғи сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда унинг ўртача даражаси 29,8%га тенг бўлиб, у 2001-2009 йилларда 13,3%дан (2007 йил) 55,0%гача (2001 йил) тебранган. Бу усулда аниқланган солиқ юки учун “Ўзбекнефтьгаз” МХКда 2001-2007 йилларда пасайиш (2005 йилдаги ҳолат бундан мустасно) ва 2007-2009 йиллар учун эса ортиб бориш тенденциялари хос.

Агар солиқ юки харажатларда ҳисобга олиннадиган солиқлар суммаларининг реализациядан тушум суммаларига нисбатан салмоғи сифатида қаралса, у ҳолда “Ўзбекнефтьгаз” МХКда 2001-2009 йилларда унинг ўртача даражаси 4,9%ни ташкил этиб, 3,4%дан (2002 йил) 6,6%гача (2006 йил) тебранганлигини аниқлаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, ушбу кўрсаткич учун 2001-2006 йиллар оралиғида ўсиб бориш, 2006-2009 йилларда эса, нисбатан барқарорлик тенденцияси хос. Солиқ юки харажатларда ҳисобга олиннадиган солиқлар суммаларининг солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасига нисбатан салмоғи сифатида ҳисобланса, унинг таҳлил даврида ўртача даражаси 29,9%га тенг бўлиб, 19,9%дан (2009 йил) 39,0%гача (2006 йил) тебранганлиги ва уларнинг даражаси турли йилларда, айрим ҳолларда, кескин ўзгариб турганлиги маълум бўлади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида куйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Ёқилғи-энергетика корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга. Улар фақат мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигини таъминлашда эмас, балки унинг ялпи ички маҳсулоти (20,0%), бюджет даромадлари (44,0%) ва валюта тушумларини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

2. “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”нинг вазифаси шу комплекс корхоналарини узоқ муддатли барқарор ривожланиши ва улар фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришдан иборат. Албатта, солиқ сиёсати ва “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми”, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатларини ва иккинчи томондан, ёқилғи-энергетика корхоналарининг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак. Фақат шундай бўлган тақдирда, ушбу механизмни самарали фаолият кўрсатаяпти, деб ҳисоблаш мумкин.

3. Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби, асосан, 10 кўринишга эга бўлиб, уларнинг орасида қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фойдадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ кабилар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бу солиқлар тизими ва солиққа тортиш механизми ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини етарли даражада эътиборга олмаяпти. Бу, айниқса, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг амал қилиш механизмида яққол кўринмоқда. Хусусан, унинг ставкаси ягона бўлиб, бу ставка қазилма конларининг ўзига хос хусусиятларини, қазиб олинадиган захираларнинг сифатини, уларни қазиб олишнинг қийинчиликларини ва уларга ишлов беришнинг муддатларини ҳисобга олмаяпти.

4. Ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг бир неча йўналишига мувофиқ шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмас. Бу, бир томондан, улардаги мавжуд солиққа тортиш механизмнинг самарали ва таъсирчан фаолият кўрсатмаётганлигини ва иккинчи томондан, бу корхоналарни солиққа тортиш механизмида уларнинг молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири борасида захираларнинг ва улардан фойдаланишнинг имкониятлари мавжудлигини кўрсатаяпти.

5. Ёқилғи-энергетика корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган масалани фақат тегишли кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг учун ушбу корхоналар фаолияти

натижаларига солиқларнинг таъсирини умумий тарзда кўрсатадиган солиқ юки кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация ишида ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ҳозирги даврда ва яқин келажакда мамлакатимиз ёқилғи-энергетика корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этиш ва солиққа тортиш механизмини ёқилғи-энергетика корхоналари фаолият натижаларига таъсирчанлигини кучайтириш йўналишларида амалга ошириш лозим.

2. Ёқилғи-энергетика корхоналарида солиққа тортиш механизмини модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида такомиллаштириш учун:

а) инвестицион чегирмалар, солиққа тортиладиган даромаддан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг жорий харажатларини тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш, бу харажатларнинг ўсган қисмига солиқ кредитини тақдим этиш, фойда солиғига нисбатан чегирмаларни қўллаш лозим;

б) ёқилғи-энергетика корхонаси томонидан эришилган инновацион фаолиятнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда фойдадан олинадиган солиқни камайтириш йўли билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш имкониятларидан фойдаланиш керак;

в) корхона эришган инновацион фаолиятнинг даражаси қанча юқори бўлса, тегишли корхоналар шунча кўп солиқ имтиёзлари олиши мақсадга мувофиқ;

г) солиққа тортиладиган базанинг ҳажмини аниқлашда, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш учун фойдаланилган дастгоҳларнинг тезлаштирилган амортизацияси ва шунга ўхшашлар учун уларга қилинган жорий харажатларни маҳсулот таннархига ўтказишда ҳақиқий шароит яратилмоғи, жумладан, инвестициялар бўйича имтиёзларни, аксарият ҳолларда, инвестицион солиқ чегирмалари кўринишида тақдим этиш зарур;

д) ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга оширувчи корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар билан қуролланишини рағбатлантириши керак;

е) корхона ва ташкилотларга шу йилда сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг умумий қийматидан маълум бир фоиз миқдорида тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини камайтириш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ;

ё) махсус рағбатлантирувчи солиқ чегирмаларини жорий этиш имкониятини кўриб чиқиш лозим;

ж) мамлакатимиздаги ушбу жараёнга алоқадор бўлган барча олий ўқув юртлари, жумладан, Тошкент техника университети, Губкин номидаги Москва нефть ва газ институтининг Тошкент филиали, дахлдор илмий текшириш институтларининг тегишли илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга жиддий эътибор бериш, жумладан, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш борасида шартнома тузган ёқилғи-энергетика корхона-ларининг фойдасидан олинган солиққа нисбатан чегирмани амалиётда қўллаш зарур.

3. Ёқилғи-энергетика корхоналари фаолият натижаларида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш учун қазилма конларининг тоифасини, кудуқларнинг дебитини, қўлланилаётган технологияларни, қазиб олишга тайёргарлик кўриш, қазиб олиш ва ортиб жўнатиш харажатларини, нефтьни қазиб олишда самарадорлиги бўйича биридан фарқ қилиши мумкин бўлган ҳар бир кудуқлар бўйича роялтининг алоҳида-алоҳида ҳисобланишини, дебитга, унинг пасайиш динамикасига, ҳаракатсиз бўш туриб қолишига боғлиқ равишда кичик дебитли кудуқлар бўйича роялтининг ўзгаришини ҳисобга олиб, ушбу солиқнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш учун шу секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини кескин кучайтириш зарур. Бунинг учун “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси”даги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш” деб номланган 120-моддага ўзгартириш киритиш ва унда белгиланган 0,05% миқдордаги жариманинг даражасини тегишли тартиб биринчи марта бузилганда 1,0% (20 мартага оширилган), қайта такрорланганда эса, ундан ҳам юқорирок даражада қилиб белгилаш керак.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Жалилов Ш.Қ. Солиққа тортиш механизми ва ёқилғи-энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш // “Иқтисодиёт ва таълим”. -Тошкент, 2009. -№ 4. - Б. 120-123.

2. Жалилов Ш.Қ. Нефть ва газ саноати корхоналарини солиққа тортишнинг халқаро тизими: Россия тажрибаси // “Иқтисодётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни”: Республика илмий-амалий конференцияси. - Тошкент, 2009. –Б. 46-49.

3. Жалилов Ш.Қ. Нефть ва газ саноати корхоналарини солиққа тортишнинг халқаро тизими: Буюк Британия ва Норвегия тажрибалари. // “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли” мавзусидаги республика олий ўқув юртлариаро ўтказилган конференция

иштирокчилари илмий мақолалари тўплами. -Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. – Б. 229-232.

4. Жалилов Ш.Қ. Ёқилғи–энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари // “Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири”: Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари тўплами. -Тошкент, 2009. – Б. 273-275.

5. Жалилов Ш.Қ. Ёқилғи–энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизми ва унинг ўзига хос хусусиятлари // “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари” Республика илмий-амалий анжумани.-Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009, – Б. 250-252.

6. Жалилов Ш.Қ. Солиққа тортиш тизимининг нефть ва газ саноати корхоналари молиявий аҳволига таъсири // “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари”: республика илмий амалий анжумани. -Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. – Б. 282-285.

7. Жалилов Ш.Қ. Нефть ва газ саноати корхоналарини солиққа тортишнинг халқаро тизими: АҚШ тажрибаси //“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари”: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Самарқанд, 2009. – Б. 105-109.

8. Жалилов Ш.Қ. Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг асосий хусусиятлари //“Молия ”. - Тошкент, 2010. – №4. – Б. 48-50.

9. Жалилов Ш.Қ. Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизими //“Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш муаммолари”: Республика илмий-амалий конференцияси. - Тошкент, 2010. – Б. 50-53.

10. Жалилов Ш.Қ. Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини ривожлантириш йўллари //“Бозор, пул ва кредит”. - Тошкент, 2010. -№ 11. – Б. 56-57.

11. Жалилов Ш.К. Механизм налогообложения и обеспечение финансовой стабильности топливно-энергетических предприятий //“Экономика и Финансы”. -Москва, 2011. - №1. – С. 46-51.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Шерзод Қахраманович Жалиловнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясининг**

## **Р Е З Ю М Е С И**

**Таянч сўзлар:** ёқилғи-энергетика корхоналари, солиқлар, солиққа тортиш, солиққа тортиш механизми, солиқ юки, солиқларнинг таъсирчанлиги, солиқлар ёрдамида тартибга солиш.

**Тадқиқот объектлари:** Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика корхоналари.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган, ушбу корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни баҳоланган ва уларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган; ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган; ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари аниқланган; ёқилғи-энергетика корхоналарининг солиққа тортиш механизми самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишининг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Корхоналар молияси”, “Молиявий менежмент”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Кўлланиш соҳаси:** “Ўзбекнефтьгаз” МХК, Давлат солиқ кўмитаси, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Ж.К.Жалилова на тему: «Совершенствование механизма налогообложения в топливно-энергетических предприятиях» на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»**

**Ключевые слова:** топливно-энергетические предприятия, налоги, налогообложение, механизм налогообложения, налоговое бремя, влияние налогов, регулирование с помощью налогов.

**Объекты исследования:** топливно-энергетические предприятия Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций направленных на совершенствование механизма налогообложения топливно-энергетических предприятий в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** наблюдение, обобщение, группирование, сравнение, экономико-статистические.

**Полученные результаты и их новизна:** исследованы теоретические и практические основы механизма налогообложения топливно-энергетических предприятий, оценена роль таких предприятий в экономике страны и выявлены тенденции их развития; анализировано механизм налогообложения топливно-энергетических предприятий, выявлены проблемы и разработаны пути их решения; определены приоритетные направления совершенствования механизма налогообложения топливно-энергетических предприятий; разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на усовершенствование механизма налогообложения топливно-энергетических предприятий.

**Практическое значение:** научные предложения и практические рекомендации, полученные в исследовательской работе могут быть использованы для усовершенствования механизма налогообложения топливно-энергетических предприятий.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные научные результаты исследования приняты Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан для внедрения на практике. Материалы диссертации могут быть использованы в высших учебных заведениях для усовершенствования учебных программ курсов «Финансы», «Финансы предприятий», «Финансовый менеджмент», «Налоги и налогообложение», «Единство бюджетно-налоговой политики» и в процессе преподавания.

**Сфера применения:** НКК «Узбекнефтегаз», Государственный налоговый комитет, высшие учебные заведения.

## RESUME

Thesis of J.K.Jalilov on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics on a speciality 08.00.07 – «Finance, money circulation and the credit», subject: “Improvement of taxation mechanism of fuel-energy companies”

**Key words:** fuel-energy companies, taxes, taxation, taxation mechanism, tax burden, tax sensitivity, regulation by taxes.

**Subjects of research:** fuel-energy companies the republic of Uzbekistan.

**Purpose of work:** working-out of scientific offer and practical recommendation directed to development of fuel-energy companies taxation mechanism.

**Methods of research:** supervision, grouping, comparing and other economic-statistic methods.

**The results achieved and their novelty:** researched practical and theoretical bases of taxation mechanism of fuel-energy companies, determined and evaluated the role of such companies in economy of country and established main tendencies peculiar to their development; studied factual state of taxation mechanism of fuel-energy companies, determined available in it defaults and indicated the methods of preventing them; established modern directions of developing taxation mechanism of fuel-energy companies and grounded from scientific-practical party; worked-out scientific offers and practical recommendations directed for improvement of fuel-energy companies taxation mechanism.

**Practical value:** scientific offers and practical recommendations in research work may be used for improvement of fuel-energy companies taxation mechanism.

**Degree of embed and economic effectivity:** main scientific results are accepted by «Uzbekneftegaz» MHK for application on practice. Dissertation materials may be applied in institutions of higher education for perfection of academic programs and application in academic process by subjects of “Finance”, “Company finance”, “Financial management”, “Taxes and taxation”, “Budget-tax policy integration”

**Field of application:** «Uzbekneftegaz» MHK, State Tax Committee, Institutions of higher education.